O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 24 июнь, № 121 (3920) Шанба

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА




***МИНСК, 23 июнь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).***

Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг саммитида қатнашиш учун Минскка ташриф буюрган олий мартабали меҳмонлар Беларусь Миллий кутубхонасининг янги бунёд этилган биносига йиғилдилар. Бу ерда Давлатлараро кенгашнинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар.

Ҳамжамият Божхона иттифоқини тузиш ва ягона иқтисодий макон барпо этиш жараёнини жадаллаштириш, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдо тизимига интеграциялашишда аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг асосий вазифалари сирасига эркин савдо тартибини расмийлаштиришни якунига етказиш, умумий божхона тарифларини, умумий молия бозорини, транспорт хизматининг ягона бозори ва ягона транспорт тизимини, умумий энергетика бозорини шакллантириш, сармояларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, савдо-сотиқнинг умумий қоидаларини жорий қилиш, давлатлараро мақсадли дастурларни амалга ошириш, аъзо мамлакатлар фуқароларига бутун Ҳамжамият ҳудудида таълим ва тиббий ёрдам олишда тенг ҳуқуқ яратиш, миллий қонун ҳужжатларини ўзаро яқинлаштириш каби масалалар киради.

Ҳамжамиятнинг 2004-2006 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурида умумий вазифаларни ҳамкорликнинг янги шакл ва механизмларини ишга солган ҳолда бажариш кўзда тутилган. Шу тариқа ягона умумий бозор ташкил қилиш мумкин. Интеграция йўлидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари эса Божхона иттифоқини тузиш, ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, биргаликда энергетика бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, Транспорт иттифоқини ташкил этиш ва аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини тўла ишга солиш, агросаноат мажмуида ҳамкорлик, ягона молиявий бозор ва хизматлар бозорини тузиш, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Бу йўналишларнинг барчаси ўзига хос масалаларни ҳал этишни назарда тутади. Масалан, транспорт соҳасидаги тариф сиёсатини ўзаро мослаштириш, юк ташиш ҳажмини ошириш, божхона қоидаларини енгиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Энергетика соҳаси сув-энергетика захираларини биргаликда ўзлаштиришни, электр энергияси таъминотини яхшилашни, сув ресурсларидан унумли фойдаланишни талаб қилади. Агросаноат мажмуи ўзаро келишилган қишлоқ хўжалиги сиёсатини юритиш, озиқ-овқат бозорини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини камайтириш, ушбу соҳада суғурта, банк, лизинг, биржа каби институтларни барпо этиш масалаларини қамрайди.

Давлатлараро кенгаш — Ҳамжамиятнинг олий органидир. Бундан ташқари, ташкилот ҳузурида Интеграция қўмитаси, Парламентлараро ассамблея, Ҳамжамият суди фаолият кўрсатади. Шунингдек, агросаноат, адлия, божхона, солиқ, суғурта, транспорт, энергетика каби алоҳида соҳалар бўйича кенгаш ва комиссиялар тузилган.

Минск учрашуви Ҳамжамиятнинг жорий йилдаги иккинчи саммитидир. Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши муносабати билан ўтказилган биринчи саммит 21 январь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлган эди. Унда мамлакатимиз Ҳамжамиятга аъзо бўлиб киришининг тартиби белгилаб олинган эди. Бугунги саммитда бу жараён натижалари сарҳисоб қилинди.

Президентларнинг келишувига биноан Ўзбекистон жорий йил охирига қадар Ҳамжамиятда амал қилаётган барча битимларга қўшилиши керак. Мамлакатимиз шу чоққача 20 битимни ратификация қилди ва айни пайтда яна олтита ҳужжатни тасдиқлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистон томони барча битимларни кўриб чиқмоқда ва бу мамлакатимиз Ҳамжамият доирасидаги мажбуриятларини бажармоқда, дейиш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, саммитда "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотининг (МОҲТ) Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш тартиби билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Чунки интеграция жараёнлари изчил ривожланиб боришини таъминлаш учун МОҲТ томонидан тузилган қатор муҳим ҳужжатлар, хусусан, сув-энергетика захираларидан фойдаланишга оид битимлар Ҳамжамият талабларига мослаштирилиши керак.

Президентлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантиришнинг стратегияси ва тактикаси юзасидан ҳам фикр алмашдилар, Молиявий ва иқтисодий масалалар бўйича кенгашнинг ҳисоботини кўриб чиқдилар.

Ҳамжамият ташқи сиёсий фаолиятининг концепциясини ишлаб чиқиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Унинг халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмалар билан алоқалари фаоллашиб бормоқда. Масалан, яқинда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг котибиятлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди, Европа иқтисодий комиссияси билан музокаралар ўтказилди.

Давлатлараро кенгашнинг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Ҳамжамиятни ривожлантириш масалаларининг муҳокамаси давом эттирилди. Унда тузилмани тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи кўриб чиқилиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Президентлар Ҳамжамият бюджетини шакллантириш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг янги лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Мажлисда Президентлар Ҳамжамият фаолиятини такомиллаштиришга, унинг доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга доир фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Қатор ташаббуслар, дастур ва лойиҳалар юзасидан фикр алмашдилар. Божхона иттифоқини тузиш борасидаги ишларни жадаллаштириш масаласини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида савдо-иқтисодий ҳамкорликни, иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ҳақида тўхталар экан, бунда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Ҳар қандай тузилма доирасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик ривожланиши учун, аввало, у қамраган ҳудудда вазият барқарор бўлиши керак, деди Ислом Каримов.

Учрашув қатнашчилари Евроосиё спорт ўйинлари ва Евроосиё халқларининг санъат фестивалини ўтказишга келишиб олдилар.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги музокаралар якунига етгач, Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистон раҳбарлари иштирокида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон ушбу ташкилот ишида қатнашиш тўғрисидаги мораторийни бекор қилгани эълон қилинди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон раҳбариятининг мазкур қарори коллектив хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлишини таъкидладилар.

Мажлисда хавфсизик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, террорчилик, экстремизм, наркобизнес, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Минтақадаги вазият таҳлил этилди.

Маълумки, 2004 йилнинг 2 декабрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақоми берилган.

Шартномага кўра, аъзо давлатлар ўз хавфсизлигини коллектив асосда таъминлайди. Яъни, аъзо давлатлардан бирортасининг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига, хавфсизлигига таҳдид солинса, барча иштирокчи мамлакатлар қўшма маслаҳатлашув механизмини ишга солиб, юзага келган таҳдиднинг олдини олиш учун саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиради. Шунингдек, ташкилотга аъзо бирор давлат ташқи ҳужумга учраса, қолган давлатлар унга ҳар томонлама, жумладан, ҳарбий жиҳатдан зарур ёрдамни кўрсатади.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг низоми ҳамда ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги битим 2002 йилнинг 7 октябрида имзоланган ва 2003 йилнинг 18 сентябрида кучга кирган.

Президентлар хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини Коллектив хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги сессиясида давом эттирдилар.

Коллектив хавфсизлик кенгаши — ташкилотнинг олий органи. Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ҳузурида Котибият, ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котибларининг қўмитаси, Бирлашган штаб фаолият юритади.

Президентлар ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котиблари қўмитаси мажлисларида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларни кўриб чиқдилар.

Таъкидламоқ жоизки, ташкилотнинг моҳияти, унинг доирасидаги ҳамкорликнинг тамойил ва шакллари Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини Евроосиёдаги бутун хавфсизлик тизимининг муҳим бўғинига айлантирди. Унга аъзо давлатларнинг аксарияти Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо эканлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Коллектив хавфсизлик шартномаси 1992 йили Тошкентда имзоланганини, 1998 йил Ўзбекистон у билан ҳамкорликни тўхтатганини айтди. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот фаолиятида яна иштирок этиш сабаблари эса Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши билан боғлиқ. Иқтисодий ҳамкорлик фақат хавфсизлик таъминлангандагина ривожланади.

Президентлар ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Матбуот анжуманида айтилганидек, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти саммитида Божхона иттифоқини барпо этишни жадаллаштириш учун жорий йил охиригача ички тартиб-қоидаларни кўриб чиқишга қарор қилинди. Шунингдек, Президентлар ҳамжамиятнинг ташқи сиёсий фаолиятига доир концепцияни маъқулладилар.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доирасидаги музокаралар натижасида эса ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсий декларация имзоланди. Хавфсизлик органларининг террорчилик ва наркотаҳдидга қарши ҳамкорликдаги курашига оид дастур қабул қилинди.

Матбуот анжуманида музокаралар очиқлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди. Бугунги учрашувлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ўз тараққиётининг янги босқичига чиқаётганини намойиш этиши қайд қилинди.

Ислом Каримов мулоқотлар мазкур ташкилотларни ривожлантириш, минтақа ва дунёда рўй бераётган воқеалар юзасидан эркин фикр алмашиш, хулоса чиқариш учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

Шу билан Минскда икки муҳим саммит якунига етди. Уларнинг натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини янада фаоллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

---

Ёшлар — миллат ишончи, юрт эртаси, келажак эгалари. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ҳар томонлама етук авлодни тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётир. Шу кунларда мактаб ўқувчилари етуклик шаҳодатномасини олиб, мустақил ҳаёт остонасига қадам қўймоқда. Зеро, улар чин маънода истиқлол умидлари — мустақилликнинг барча неъматларидан баҳраманд бўлиб ўсаётган, қалби орзу-умидга тўла бахтиёр ёшлардир.

## ХАЛҚИМИЗ, ЮРТИМИЗ УМИДЛАРИ

*Тошкентда мактаб битирувчиларининг "Истиқлол умидлари-2006" кечаси бўлиб ўтди*

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройининг ёзги саҳнасида ва Ўзбекистон Республикаси Банклар ассоциациясига қарашли стадионда мактаб таълимини якунлаб, катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларни қутлаш учун ташкил этилган "Истиқлол умидлари-2006" битирув кечаси бўлиб ўтди. Тадбирга пойтахтимизнинг умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари, уларнинг ота-оналари, устозлари таклиф этилди.

...Давлатимиз мадҳияси янграганида, унинг мўъжизавор сўзларига минглаб ёшлар — тадбир иштирокчилари жўр бўлдилар.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Истиқлол йилларида юртимиздаги умумтаълим мактабларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётир, янги ўқув адабиётлари, қўлланмалар яратилаётир. Мукаммал таълим бериш баробарида, ёшлар онги ва қалбида шонли тарихимизга ҳурмат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, она-Ватанимизга муҳаббат туйғуларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бу йил мамлакатимиз бўйича 260 мингдан ортиқ, жумладан, пойтахтимизда салкам ўн минг нафар ўқувчи ўн биринчи синфни тугатиб, етуклик шаҳодатномасини қўлга олади.

Саҳнага Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларини "аъло" баҳоларга тамомлаган йигит-қизлар кириб келади. Оловқалб ёшларнинг азму шижоатига боқиб, сафимиздан ана шундай янги авлоднинг мустаҳкам ўрин олаётганидан қалблар чуқур ҳаяжонга тўлади. Ёш авлоднинг таълим-тарбияси йўлидаги эзгу ишлар бугун ўзининг ширин мевасини бераётганидан фахр-ифтихоримиз ошади.

Бу йилги "Истиқлол умидлари" фестивали Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар этиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг аҳамияти, йигит-қизларнинг фан, таълим, санъат, маданият, спорт каби соҳаларда истеъдодини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш борасидаги эътибор ва ғамхўрлик, навқирон ҳамюртларимизнинг турли фан олимпиадалари, спорт беллашувлари, мусиқий фестиваль ва кўрик-танловлардаги муваффақияти тадбирнинг ранг-баранг ва бетакрор мусиқий дастурларида яна бир бор ўз ифодасини топди.

«Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Азиз синфдошларим», «Бахтли болалик» каби театрлаштирилган мусиқий томошалар ўрнини «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур!» саҳнавий кўриниши олади. Саҳнага халқаро спорт мусобақалари, ёшлар ўртасидаги Олимпиадалар, жаҳон ўйинлари ғолиблари кириб келади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, миллатимиз генофондини янада соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ажралмас қисми бўлмиш уч босқичли мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги «Баркамол авлод» ҳамда олий таълим даргоҳлари талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақалари ёш авлодни спортга кенг жалб этишнинг мисли кўрилмаган тизимидир.

Шу йил май ойида Қарши шаҳрида ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида Тошкент шаҳри ўқувчилари умумжамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритдилар. Бу ҳам мамлакатимизда ёшларни оммавий спортга жалб этиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самарасидир. Зеро, юртимиз истиқболи жисмонан бақувват, маънан баркамол авлодга боғлиқ.

Ёш авлод камолоти йўлидаги хайрли юмушлар кўлами мамлакатимиз Президенти томонидан эълон қилинган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида янада кенг қулоч ёйди. Фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш баробарида, янгидан-янги тиббиёт муассасалари, сиҳатгоҳлар барпо этилмоқда. Тадбирнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили мазмун-моҳиятига бағишланган қисмида бу жиҳатлар яна бир бор ўз аксини топди. Негаки, халқимизнинг соғлиғи, комил фарзанд тарбияси сахий қалб соҳибларига ҳам боғлиқдир.

Таниқли санъаткорлар, эстрада хонандалари, ёш қўшиқчилар ижросида Ватанни, истиқлолни, тинчлик-осойишталик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

...Саҳнани яна битирувчилар эгаллайди. Улар Президент, эл-юрт, ота-она ва ўқитувчилар ишончини оқлашга, Ватанимиз, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд бўлишга, ўзларининг бор билим ва куч-ғайратини мамлакатимиз равнақи йўлида сарфлашга ваъда берадилар.

Ранг-баранг безаклар, турфа чироқлар, куй-қўшиқ ва рақслар байрам ҳаяжонига ҳаяжон қўшади. Бундай кўтаринки тадбирлар эзгу туйғулар, юксак орзу-интилишлар билан катта ҳаётга кириб келаётган минглаб ўғил-қизлар қалбида ёрқин саҳифа бўлиб қолиши ва шу орқали ёшларда жонажон Ватанимизга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириши шубҳасиз!

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

---

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## Қўмиталар йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Қонунчилик палатаси ва унинг депутатлари томонидан парламент сўрови ҳуқуқини амалга ошириш масалалари" мавзусига бағишланган семинар ўтказилди. Унда қуйи палата депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, мамлакатимиздаги бир қатор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари, ҳуқуқшунос-олимлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар парламент сўрови дунёдаги парламентлар амалиётида кенг тарқалган назорат шакли эканлигини ҳамда амалдаги қонунларда мазкур институт расмий тарзда мустаҳкамланганлигини айтиб ўтдилар. Улар Қонунчилик палатаси, унинг депутатлари давлат ҳокимиятига ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақлилиги тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдирдилар.

Тадбир иштирокчилари парламент сўровининг ўрни ва амалий аҳамияти тўғрисида тўхталиб, бу институтдан амалиётда етарли даражада фойдаланилмаётганини таъкидладилар. Шунингдек, семинарда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг янада самарали йўлларини излаб топиш, мавжуд муаммоларнинг ечими борасида қатор таклифлар билдирилди.

***

Парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда ЕИКнинг ЕвропЭйд дастури доирасидаги "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш" лойиҳаси ҳамкорлигида "Парламентнинг бизнес вакиллари билан ўзаро муносабати ва қулай инвестиция муҳитини яратиш масалалари" мавзуида амалий семинар ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов сўзга чиқиб, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида ахборот берди ҳамда республикамизда ушбу йўналишда ўтказилаётган ислоҳотлар шарҳини қатнашчилар эътиборига тақдим этди.

Шунингдек, тадбирда халқаро экспертларнинг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиёти ва тажрибаси тўғрисидаги маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

**Зиёда АШУРОВА.**

*Қадим Туронзаминнинг унумдор, барака қайнаб-тошган далалари, поёнсиз яйловлар тўла чорваси, бу юрт ҳунармандларининг олтин ва кумушдан яратган нодир буюмлари, Турон олтини, ипаги, қоракўл териси, газламалари... Ўтмишда қанақа фотиҳларнинг кўзини ўйнатмади бу бойликлар!..*

# БОХУЛИЙДАН ҚОЛГАН «МЕРОС»

## Тарих ҳазиллари

Милодий 705 йилда араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим ал-Бохулий Туронзамин устига балою офатнинг қора булутларини бошлаб келди. «Турон ери» деган сўз унинг қулоғига эриш туюлиб, бундан кейин арабчасига бу юрт Мовароуннаҳр деб аталажагини амр этди.

Овруполик сайёҳ ва шарқшунос Херман Вамбери ёзганидай, саҳройи лашкарбоши: нега бу юрт гуллаб-яшнаб туради, деб ҳатто йўлида учраган дарахтларни кестириб ташлатган.

Турон — бой ва юксак маданиятли ўлка эди. Масалан бухоролик Хотун подшоҳнинг оёғидаги дуру жавоҳир билан безатилган этик босқинчиларни ақлдан оздираёзди. Уни ечиб олишди. Туроннинг Бойкент шаҳри, ўз исми-жисмига ярашган бой-бадавлат гўша бўлган. Қутайба лашкарлари бу шаҳардаги олтин идишлар, ҳайкалчаларни ва бошқа ҳунармандчилик буюмларини қиртишлаб йиғди ва улар 150 минг мисқол ҳажмидаги эритилган яхлит тиллога айлантирилди. Қутайбанинг Самарқандда зарҳал қоғоз корхонасига кўзи тушиб, унинг ҳасади яна қўзғади. «Таажжуб, биз ошланган мол терисига хат битсагу, булар зарҳал қоғозларда патқалам юритса» деди ва корхонага ўт қўйдирди. Саҳройи Қутайба Туронзаминини ҳам саҳрога, дашту биёбонга айлантиришга киришди. Каналлар бузилди, экин-ерлар босқинчи лашкарларнинг отларига ўтлоқ бўлди. Сурув-сурув чорва моллари сўйилиб, қозонга ташланди. Боғлар кесиб, ўтин қилинди.

Фақат шугина эмас. Аллома Беруний ёзиб қолдирган: «Қутайба Хоразм маданияти, санъатини ерга кўмди. Хоразм хатини яхши биладиган, халқ тарихи ва ривоятларини ўрганган ва ўз билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ўлимга маҳкум этиб, буткул йўқ қилиб юборди. Шунинг учун ислом давридан кейин, бу заминда асл ҳаёт тўғрисидаги ҳақиқат билиб бўлмайдиган даражада сирли бўлиб қолди.

Кейин Қутайба хоразмликларнинг китобларини йўқ қилиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини ёқиб, кул қилиб совурганлиги сабабли, ерлик халқ саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида фақат ёдлаш қувватига таянадиган бўлдилар».

Туронзаминнинг ўзлигини тугатишга қаратилган бундай... ҳасадли сиёсатни Қутайба Самарқандда, Бухорода, Нахшабу Кешда, Тошкенту Фарғона водийсида ҳам шафқатсиз бир тартиб-интизом билан амалга оширди... У Турондан «Т» ҳарфини ҳам қолдирмаслик учун имкон қадар ҳамма чорани кўрди.

Аммо... бу тупроқда ҳеч нарса қолмади десак, жиндак адолатдан бўлмас. Нимадир қолди. Масалан, Қутайба ибн Муслим ал-Бохулий ном-насабидан бизга «мерос» бўлиб, тилимизда «бахил» деган, ниҳоятда бешукуҳ бир ибора қолди...

Тарихнинг аччиқ ҳазилларидан бири шу бўлса керак.




*Бу замин дарё-ю тоғлари билан*
*Қачон бино бўлган? Билмас ҳеч банда.*
*У мозий шавкати, доғлари билан*
*Қизиқиш уйғотар кундан-кун манда.*

*Ўтмишнинг турфаранг қабатларига*
*Ўйларим бош уриб, қақшайди ёдим:*
*Ер шарин мана шу сарҳадларида*
*Илк бор туғ қадаган қайси аждодим?!*

*Азиз бўлиб қай кун жулдур саҳролар,*
*Қай замон муқаддас саналган тупроқ?*
*Не учун қасд айлаб келса доролар*
*Ажалнинг кўзига тик боққан Широқ?*

*«Бирлашсак, бизники бўлади очун!» —*
*Ҳайқириб, от суриб ҳам сўлу ўнгга,*
*Ёвга ташланаркан бамисли лочин,*
*Ўшал ҳисни туйгандир Алп Эр Тўнга.*

*«Будуним, Туроним!..» О, ўтли калом,*
*Қай аср ўйилдинг битиктошларга?*
*Эл бўлиб юрт таниш бошланган замон*
*Алп Тегин бошмиди қутлуғ ҳашарда!?*

*Ватан, ярадингу ҳар бир соние*
*Юксалдинг, топталдинг чарх ўйинида.*

*Букилган қаддингни тиклайин дея,*
*Қон кечди Менгбурни Аму бўйида.*

*Қонлар силқиб оқди, бағринг доғлади —*
*Мазлумлар оҳи-ю қилич жаранги.*
*Улуғ савашларга чорлаб, боғлади*
*Соҳибқирон Амир Темур ярангни.*

*Шу шонли курашлар ёритди йўлинг,*
*Тийра кечмишингнинг кундузи бўлиб.*
*Етти иқлим аро довруғ сололдинг,*
*Мирзо Улуғбекнинг юлдузи бўлиб.*

*Тенгингни топмади дунёни бўйлаб,*
*Не кабир зотларнинг буюк салафи.*

*Ўтди Навоийдек васфингни куйлаб,*
*Неча Хоразмийлар, неча Насафий.*

*Сен эдинг, шубҳасиз, Шарқнинг гавҳари —*
*Шеърият, илму фан, бари бунда жам.*
*Теграингни дўст-ёрлар қуршаган сари*
*Кўпайди Бадкирдор ғаламислар ҳам.*

*Жоҳиллар фош этди йўғу борингни —*
*Энг ёвуз ғанимдир ғофиллик асти.*
*Тупроғингни топтаб, талаб заррингни*
*Бостириб келди-ку қизил алвасти.*

*Кажрафтор измида қолди ҳур ўлка,*
*Борлиқни қоплади тўфон, қасирға.*

*Ўлим ваҳшатини сочди кўр кўлка,*
*Эркталаб Чўлпону Усмон Носирга.*

*Оғир кишанларнинг зангин кўрган эл,*
*Озодлик қўйида бўлгай адолар,*
*Тўсиқлар дош бермас*
*тошган каби сел —*
*Шарқираб оқажак оққан дарёлар!..*

*Кўксида Ўзликни чўғдек асраган*
*Авлодга юксалиш ҳар дам ярашар.*
*Бу қадим маъвога нигоҳ қадаган*
*Тарих битигидан бохабар башар.*

*Оқиллик, жўмардлик омондир қонда,*
*Ҳаяллаб қолмагай нурли келажак.*
*Мерос ҳуқуқ ила жумла жаҳонга*
*Ўзбек ўз сўзини яна айтажак.*

*Асрий синовлардан мардона ўтган*
*Қаддингга суқланиб қарасам дейман.*
*Аждодлар кифтида улғайган Ватан,*
*Фарзанддай корингга*
*ярасам дейман!..*

**Сирожиддин РАУФ**

# GURUNG



Дўппи тикишни мен ҳам ўрганай, бувижон!

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Сиз сўраган эдингиз

*Мустақиллик даврида, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда банклар кўпайди. Давлат ва халқ банклари қаторида анчагина йирик тижорат банклари ҳам вужудга келди. Улар ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Табиий равишда сўрагим келиб қолди: «Банк» нима дегани? Ер юзида илк банклар қачон пайдо бўлган?*

**Зикрилло ЭСОНОВ,**
**Навоий вилояти, Кармана тумани.**

# Банклар қачон пайдо бўлган?

Ҳозирги кунда банклар аҳоли учун шу қадар хилма-хил хизмат турларини кўрсатаяптики, уларнинг таъсирида банк, энг аввало, икки асосий мақсадга хизмат қилишини гоҳида унутиб қўямиз. Биринчидан, банклар аҳолидан омонат жамғармаларини қабул қилади ва уларни муайян фоизлар бериш эвазига ўзида сақлайди. Иккинчидан, фоизли тўловлар олиш асосида жисмоний ва юридик шахсларга кредит (қарз) беради.

Банк иши — тарихнинг ўзидай кўҳна соҳа. Қадимги Бобилда, Мисрда ва Юнонистонда банклар мавжуд бўлган. У замонларда, одатда, одамлар ибодатхоналарга ўз пулларини сақлаш учун ишониб топширишган. Милоддан олдинги 210 йилда Римда, Форум деган яна бир шаҳарда саррофлик (пул алмаштириш ва майдалаш) хизматлари ташкил этилган.

«Банк», сўзининг ўзи ҳам Италияда биринчи марта тилга олинган. Шаҳарларнинг кўчаларида ва дўконларида саррофлар ўтиришган. Итальянча «банко» сўзи «ўриндиқ» деган маънони англатиб, пировардида «банк» тушунчасига асос бўлган.

Ҳозирги маънодаги банк тизими дастлаб 1584 йилда Венецияда, «Банко ди Риальто» банки тимсолида дунёга келган. У одамлардан омонат қабул қилиб олган ва уларга патта (чек) ёзиб берган. 1619 йилда бу банкни «Банко дель Жиро» деган бошқа бир банк ўз тасарруфига олиб, олтин ва кумуш омонат қўйилмалар учун тилхат-патта ёзиб берган. Бу патталардан пул сифатида фойдалана бошладилар. 1609 йилда ташкил топган «Амстердам банки» ҳам шундай тилхат-патталарни қўллай бошлаган ва улар банк пуллари — «банкнот» деб ном олган.

Англияда банк пайдо бўлишидан олдин, 1694 йилгача асосан заргарлар банкирлик вазифасини бажаришган. Америкадаги биринчи очилган банк эса «Шимолий Америка банки» деб аталиб, у 1782 йилда Америка Конгресси томонидан таъсис этилган.

Шундан кейин банклар бошқа давлатларда ҳам вужудга кела бошлади...

## *Донишларга ҳамдам бўл — Бўлгай сенга ёруғ йўл*



Адлу инсоф билан жаҳон гулшани обод бўлур.

***

**Адоват эмас, адолат керак.**

***

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан яхшироқдур.

***

**Агар сизлар бир тан бир жон бўлсангизлар, адоват қилганларни албатта енгасизлар.**

# Соҳибқирон демишларки...

***

Агар фикрингиз иттифоққа келиб, орзу-ҳавасингиз бир бўлса, фарзандларингиз улғайиб, душманларингиз мағлуб бўлур.

***

**Одамлар тарқоқ ва раҳбарсиз бўлсалар, улар бирор нарсага яроқсиздурлар.**

***

Кимки оқилона гапни эрларга хос шиддат билан, аямай сўзлаши мумкин, унга қулоқ сол.

***

**Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўра, аммо маслаҳатнинг яхши-ёмон тарафини ўйлаб кўр, тўғри ва савоблигини ол.**

***

Аҳдига вафо қилмаган киши охири жазога мубтало бўлур.

***

**Яхшини ёмон кунда имтиҳон қил.**

***

Қайси бир навкар нон-туз ҳақини ҳамда вафодорлигини унутиб, хизмат пайтида ўз соҳибидан юз ўгириб сенинг ҳузурингга келса, ундай навкарни ўзингга душман бил...

**(Бўрибой Аҳмедовнинг, «Амир Темур сабоқлари» китобидан).**



# «Афсунгар» қошиқ

## ЛУҚМА

Фикр ва сўз эркинлигини ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаса ва иш юритса, ғалати ҳодисалар рўй бериши ҳам мумкин.

Масалан, замонамиз китобларидан бирида мана бундай маълумотга дуч келамиз: «...Саид Неъматуллоҳ келганда Хожа Ҳасан Ота пиёз ўтаб турган бўлади. Шу пайтда Саид Неъматуллоҳ каромат қилиб: «Бегона ўтлар! Пайкалдан чиқинглар!» деб айтади ва ҳамма бегона ўтлар йўқолади...»

Китоб муаллифи шу даражада эркинки, ҳатто ўзи ҳам кўнгли чопмаган ривоятларни чиппа-чин ҳақиқат, деб муштарийларга тақдим этади. Маълумки, Имом Бухорий ҳам, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Аҳрор Валий каби буюк диний намояндалар ҳам Аллоҳга оддий бандаликни тан олганлар, бундан фахрланишган. Уларнинг барчаси борлиққа соғлом, тўғри нигоҳ билан қараб, кундалик меҳнат билан, ҳунар билан шуғулланиб, кун кўришган. Ўзларини сира илоҳийлаштиришмаган. Бизга уларнинг шу хислати, улуғ диёнати, юксак имони ва инсофи доимо ибратлидир. Аммо илоҳийлаштириш, ҳатто йўқ сифатларини бор қилиб кўрсатишга уриниш, чираниш, айниқса, бу улуғ пиру алломалар изидан борган Саид Неъматуллоҳ даражасидаги ворисларни «кароматли нафас» соҳибига айлантиришга, пайғамбарлар мавқеига кўтаришга ҳозирги айрим муаллифларда мойиллик кучли.

Халқимизда «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» деган ўгит бор. Диний арбоблар ҳақидаги асл ҳақиқатларни гапирайлик, ёзайлик. Аммо зинҳор кишини ёқа ушлатадиган лофларга, ёлғонларга берилмайлик. Улуғларнинг пок, тоза руҳи бизнинг ёлғонларимиздан безовта бўлмасин.

Афсуски, бундай бўлмаяпти. Айниқса, бу борада тижорат газеталари — ёлғон қаерда тугайди, чин ҳақиқат қаерда бошланади — бунинг чегарасини унутиб қўйишмоқда. Бир неча йил аввал бир тижорат газетаси «биқинига Қуръон ояти битилиб, дунёга келган қўзичоқ» тўғрисидаги тўқимани кенг тарқатиб, ҳаммани тонг қолдирган эди. Эҳтимол, газета оммабоплиги ва шов-шувга ишқибозлик учун бу фойдалидир, аммо виждон, иймон, ҳақиқат деган тушунчалар ҳам бор-ку?! Ҳар ҳолда «Фикр ва сўз эркинлиги» тор, бачкана манфаатлар қурбони бўлмагани яхши.

Дўппини ёнга қўйиб обдон ўйлашдан кўра, ўйинқароқлик билан гапириш, миш-мишларни ҳеч тап тортмасдан тарқатиш тижорат нашрларининг «йўлига» айланиб қолди, шекилли. «Ҳордиқ» газетасининг шу йилги 25-31 май кунларидаги сонида Саида исмли журналист синглимизнинг Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида яшовчи жайдари табиб Жумагул Матазимова билан суҳбати чоп этилди. Нима эмиш? Бу табиб аёл «...дўхтирларнинг тиши ўтмайдиган беморлар»ни онасидан мерос қолган қошиқ воситасида даволаяпти экан. Ажабо! Бу қандай афсунгар қошиқ бўлдики, қаршисида Гиппократ ва Ибн Синодан бошланиб, тўхтовсиз ривожланиб келаётган илмий-амалий медицина ожиз қолаётган бўлса? Нега Соғлиқни сақлаш вазирлиги бундай «мўъжиза»дан бехабар? Балки бу «табиблик» ҳам бориб турган навбатдаги лўттибозликдир? Бу гап, эҳтимол, ўша хонаки табибга, бугунги медицинага кибр ила қараётган газетагагина зарурдир? Ушбу саволларга жавоб топилмаса, аҳолини яна бир миш-миш чалғитиши, бу орада, қанча соддадил одамлар Сирдарёга елиб-югуравериб боридан айрилиши, аммо қилчалик шифо топмай, чув тушиб қолиши мумкин. Ҳа, азбаройи, баъзи газеталарнинг «фикр ва сўз эркинлиги» дастидан! Бу ойдинлик киритиладиган масала.

## Икки масал

# Кўпик

— Эй инсон, — деди охир-оқибатда тоқати тоқ бўлган Кўпик, — адоватли қарашларингдан жуда-жуда толиқдим, билсанг. Дарё сиртида оппоқ кўпириб, тошиб пайдо бўлганим заҳоти сенинг авзойингда, албатта, истеҳзо, киноя жилва қилади. «Атиги кўзни алдовчи кўпиксан-да» деб менга заҳархандa қиласан.

Фақат шундай таҳқирлаш билан чеклансанг, майли эди. Йўқ, асрлар мобайнида мени таҳқирлашда тобора чуқурлашаяпсан. Айниқса, сенинг қавмингдан бўлган шоир, ёзувчи деган бир тоифа бор. Уларнинг топиб олгани мен. Маломатдан бошимни чиқаришмайди. Мени нималарга ва кимларга ўхшатишмади улар? Мағзи пуч, аммо ҳаёт дарёси сийнасида пуфакдай қалқиб, сохта жило ила нимаики одамзот кўзига чалинса, уни менга менгзашгани менгзашган. Ўша шоир-ёзувчи деганларнинг «кароматли» сўзи воситасида менинг ўзим ҳам бу тирик борлиқда ёлғиз эмаслигимни тобора аниқ ҳис этяпман. Қарасам, сиз — одамлар орасида ҳам мен сингарилар оз эмасга ўхшайди. Аравани қуруқ опқочадиган, сафсатабоз, маҳмадона, мулла миршуруқ кимсалар, ёким дейлик, кўпчилик орасида ҳуда-беҳудага товланиб кўринишга мойил, шуҳратпарастлик қонини заҳарлаган зотлар борки, улар менинг маънавий биродарларим бўлиб чиқяпти.

Қаранг, ўзи нима қиляпман? Ҳасратимни достон қилиб, дунёда «кўпиклар» кўплигидан беихтиёр хурсандчилигимни изҳор этишга киришиб кетдимми, дейман?

Нафсиламбирини айтганда, ҳақсан. Мен, чиндан ҳам дарё юзида буриқираб, олқиндидай кўпириб, кўзни қамаштираман. Боққанингда, дарё бир четда қолиб, назаринг менга чалғийди. Атрофингда юрган анча-мунча усти ялтироқ, ичи қалтироқ тоифаларга ўхшашлигим ҳам рост. Фикрингни рад эта олмайман.

Лекин энди менинг бир эътирозимга ҳам оқилона қулоқ тут, эй одам боласи! Дарёга қарайсан: ёлғиз кўпикни кўрасан. Аммо, бу кўпик дегани ўзи қаёқдан пайдо бўлади, деган ўй миянгда меҳмон ҳам бўлмайди. Ахир, қанча ёмон кўрма, лекин мен осмондан тушмаганман. Мен ҳам, бамисоли сендай — табиат фарзандиман. Гарчи тўлқинлар сиртида хуружланиб, оппоқ пишқириб, зоту зурриёдсиздай турсам-да, лекин мен ҳам бир ўсимтаман. Илдизим — дарёда. Менинг туғилишим, беҳуда кўпириб, товланиб кўринишим учун дарёда шароит бор, озуқа етарли...

Хуллас, кўзингни каттароқ оч: биз — кўпикларнинг сабабини... дарёдан изла.



# Кунгабоқар

— Э-э, худо бандалари! Менинг офтобга, кунга боқиб туришим негадир сизга доимо кулгули туюлаверади. Мен ҳақимда нималар демайсиз? Тўғри, мен бор вужудим ила Қуёшга интиламан, талпинаман. Қуёш ботгач, бошим хам бўлиб қолади. Шу куйи, тун оғушида мудраб, тушимда Қуёш момони кўраман. Ғира-шира тонгда яна вужудим жонланиб, ички бир сезги ила юзимни тоғлар ортидан юз кўрсатиб келаётган офтобга буриб, унинг илк нурларини ер юзида биринчилардан бўлиб қаршилайман. Яна узун кун унга маҳлиёман.

Аммо менинг бундай ҳаёт тарзим, эй худо бандалари, Сизларга ғалати туюлгани-туюлган. Менинг оламни унутиб, Қуёшга маҳлиё бўлишим «ялтоқилик» деб баҳоланади. Мени ўзларингга ўхшатасизларми-ей. Чунончи, орангизда ким кўринган товламачи, хушомадгўй кимса бўлса, назарингизда, улар менга ўхшаб кетаверади. Ёки бошқача гаплар ҳам бор. Бир шоир менинг тўғримда антиқа сўзларни айтибди.

*Кунгабоқар, кунгабоқар,*
*Кунгабоқар — кимга боқар?*
*Кимки берса, ўғит ва сув,*
*Кунгабоқар шунга боқар...*

Қара-я, худди қўшиқнинг ўзи! Лекин менга берган ўғити ва сувини миннат қилгани қизиқ. Ахир ўғит ва сув берсанг — ўз манфаатингни ўйлаб шундай қилгансан. Қарашган бўлсанг, қуруқ қўйгганим йўқ. Рапидадай юзимни Қуёшга тоблайвериб, писта доналаримни обдон пишириб етилтирсам, бас, бир кун бошимни танимдан шартта жудо қиласан. Донларимни битта қўймай қоқиб ейсан. Кўчага чиқариб пуллайсан ҳам. Мана, нима учун менга сув ва ўғит берасан! Аслида, бундай майда, миннатли ҳис-туйғуларингни шеърга солганинг учун мен эмас, сенинг ўзинг бошқалар олдида уялишинг керак, юз бўлса. Қолаверса, ўғит ва сувни битта менга беряпсанми? Пахтага ҳам берасан, ғаллага ҳам. Нафсиламбирини айтганда, сўнгги пайтларда бу масалада ҳатто меъёрни унутиб қўйдинг. Бўлмаса, ўзинг, болаларинг ейдиган қовун-тарвузга, помидору бодрингга, сабзию пиёзга ўғитни нега тиқиштиряпсан? Еганинг заҳар бўлиб кетаётганини хаёлингга ҳам келтирмайсан. Э-э, бироз ҳаддимдан ошдим. Сенинг тийиқсиз қилмишларинг таъсирига тушиб қолиб, қизишиб кетиб, ўзим ҳам бироз сурбетлашай дедим. Ортиқча аччиқ-тизриқ гапларни айтиб юборган бўлсам, узримни қабул қил. Лекин адолатли таъналаримни тўғри тушунарсан, деб умид қиламан. Демоқчиманки, берган ўғитинг, сувинг учун олдингда уялиб қолаётганим йўқ. Юзим ёруғ. Ўзимни-ю ҳосилимни бутунлай сенга бағишлаяпман. Хуллас, «Кунгабоқар — шунгабоқар» деган киноянг ўзингга сийлов. Мен боқсам офтобга, нурга, кунга боқаман ва бундан уялмайман. Ораларингиздаги ялтоқи, сермулозамат, хушомадгўй кимсаларнинг касрига мен қолмай-да!

Фикрингни бир тафтиш қилиб, танангга ўйлаб кўр, эй худо бандаси! Қачондан буён нурга, кунга талпиниш, меҳр уят бўлиб қолди?

**Саҳифани М. САФАРОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Қ. Эшматов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456